

# ГОНГ ЮЛАУЗИ

خانقہ يعوٰذ

ЎЗБЕКИСТОН  
БОЛАЛАРИ ВА ЎСМИРЛАРИНИНГ  
ГАЗЕТАСИ

1992 йил 6 октябрь, сешанба  
№40

Ўзбекистонга чорак аср мобайнида раҳбарлик қилган Шароф Рашидов атоқли адаб ва катта давлат арбоби сифатида бутун Шарққа танилган эди. Қайта қуриш "қатағони" йилларида унинг номини ҳеч бир асоссиз

вазирлиги гувоҳномасида шундай қайд этилади: Шароф Рашидов номли жамғарманинг мақсади Ўзбекистонда илму-маърифатни ривожлантириш, умуминсоний қадрияларни тиклаш, иқтидорли ёшларни

моддий ёрдам беринъ замонавий билим масканлари очиш каби тадбирлар ўтказилади.

Ш. Рашидов номли жамғарма очиқ тусдаги жамоат ташкилоти бўлиб, ошкора фаолият кўрсатади.

## Шароф Рашидов номли жамғарма

равиша қоралашга уриндилар.

Ўзбекистон республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қатъияти туфайли Ш. Рашидов шахси ва фаолиятига ҳаққоний баҳо берилди. Ш. Рашидовнинг 75 йиллигини муносиб тарзда нипонлаш юзасидан ҳукумат комиссияси тузилди. Кўпдан кўп меҳнат жамоалари ва таниқли кишиларнинг хоҳиш-истагига кўра комиссия қарорига биноан республикада Ш. Рашидов номли жамғарма ташкил этилди.

Жамғарма Низомини рўйхатга олган ўзбек Адлия

тарбиялаш ва рағбатлантириш, фантехника, маданиятни тараққий эттиришдан иборат. Табиат муҳофазаси, тарихий маданий ёдгорликларимизни асрап, адабиёт-санъат вакилларини муносиб даражада рағбатлантириш, жаҳоний фан ва амалиёт ютуқларини жорий қилиш, бой маданий меросимизни тадқиқ этиш, пешқадам ўқувчи ва талабаларга

Жамғарманинг банк ҳисоби: сўмлар учун — Ўзбекистон Республикаси марказий банки Тошкент шаҳар операция бошқармасининг ҳисоб марказида рақами 000700825, код рақами, 172682116; валюта учун — Ўзбекистон Республикаси ташкии иқтисодий фаолият банкида рақами (93780090) 001.

Унга саналган вазифаларни бажаришга ҳисса қўшиш истагида бўлган, бу саҳоватли тадбирларни Шароф Рашидов номидан амалга оширип муддаосига қўшилган барча корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар, янги тузилган иқтисодий бирикмаларнинг меҳнат жамоалари, барча фуқаролар хайрия йўсинида ҳисса қўшишлари мумкин.

## МЕНИНГ ЎҒЛИМ ЧАПАҚАЙ

Ёдимда бор, мактабда ўқиб юрган кезларимда синфимизда бир бола чап қўлида ёзар эди. Ўқитувчимиз эса унга "унг қўлда ёзиш керак" дега танбех берарди. Кичиклигидан ҳамма нарсани чап қўлида бажаришга кўнишиб қолган бола учун бу жуда қийин эди. Ўқитувчининг кўзини шамғалат қилиб туриб, ручкани чап қўлига олиб ёзаверарди. Биз харчанд чап қўлда ёзишга уринмайлик, ҳеч натижага чиқмаганидек, у ҳам ўнг қўли билан жуда қийналиб, хунук ёзарди. Шу сабабли доимо паст баҳо олар, бора-бора ўқишидан ҳам кўнгли совиб кетганди.

Тасодифни қарангки, ўзимнинг кенжা ўғлим ҳам чапақай эканлиги маълум бўлди. Харчанд тиришимай, шуғулланмай, ўнг қўлда ёздиришга ўргата олмадим. Мактабга чиқса қийналади, деган хавотирда эдим. Лекин хавотирларим ўринсиз бўлиб чиқди, ўқитувчиси чап қўлда ёзишга рухсат бериди. Ҳозир-да, ўғлим аълочи, хати ҳам равон, чиройли.

Шундай бўлса ҳам, бир нарса ҳақида кўпинча ўйланиб қоламан: чапақайлик бирон-бир камчилик, нуқсон эмасмикан? Фарзандимнинг соғлом ривожланишига салбий таъсир бўлмасмикан?..

Махфуз НОРМАТОВА.  
Андижон вилоятини, Ҳўжаобод тумани.

## Келгуси сонларда:

Дадажон АБДУРАҲМОНОВ:

«Аҳлоқсиз болалар

қачон туғилади?»

## ЧАҲСУКСИЛСР КОНКУРСИ

Унинг шартлари билан 2-бетда танишасиз.



Мактаблараро спорти мусобақалари, турли беллашувлар ўтказиб турилиши одатий холга айланиб қолган. Бу галги мусобақада эса боғча тарбияланувчилари — жажжи полвонлар ўзаро беллашдилар. Шайхантовур ҳокимияти спорт бўлими томонидан уюштирилган миллий кураш бўйича боғчалараро мусобақада шахримиздаги 138-, 342- ҳамда 588- болалар боғчалари тарбияланувчилари иштирок этиши. Ёш полвонлар мусобақасида 342-боғча болалари тенгкўрларидан устунликларини намойиш этиши. Мусобақани қизиқиш билан томоша қилаётган ишқибозларнинг олқишли, қарсаклари остида мусобақа бош ҳаками Асомиддин aka Жалилов голибларга совгалар улашди.

Суратларда: 1. Жажжи полвонлар бир-бирларидан бўш келишмади. 2. Мусобақалар тугади, голиб аниқланди!

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.



## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ЯНГИ КОНКУРС!

Маълумки, болалар орасида чапақайлар талайгина. Андижонлик Махфузга опанинг саволларида ҳам жон бор. Зеро, чапақайлар хисусидаги фикр-мулоҳазалар кўпчиликни қизиқтириши табий. Шу муносабат билан "чапақайлик" ҳақида мутахассислар фикрлари билан қизиқдик:

# "ЧАПАҚАЙЛАР" КОНКУРСИ

Мансурова Людмила ИСАКОВНА —  
Педиатрия илмий-тадқиқот олийгоҳи  
клиникасининг шифокори:

— Чапақайлик — болалар орасида кўплаб учраб турадиган холат. Лекин ҳеч қандай касаллик, нуқсон хисобланмайди. Чапақай боланинг бошқарув маркази ўнг эмас, чап томонда жойлашган бўлади, холос. Чапақай болани ўнг қўлда ёзишга, чишишга ва ҳоказоларга ўргатишга уринишлар бефойда...

Эргашева Лазокат ЭРГАШЕВНА —  
медицина фанлари номзоди:

Менимча, болаларнинг чапақай бўлиб қолишларига кўп ҳолларда отоналарнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлиб қолишлари мумкин. Жуда ёшлиқданок чап қўлида сўргич, ўйинчоқ ушлайдиган фарзандларига эътибор

бериб, "ундай эмас, мана бу қўлингда ушишинг лозим" дейа тергаб турсалар, фойдадан холи бўлмаса керак, деб ўйлайман. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, чапақайликнинг боланинг соғлом, ақлий ривожланишига, вояга этишига ҳеч қандай салбий таъсири ўйк. Чапақайлардан жуда кўплаб таникли, иқтидорли инсонлар, кўпгина соҳаларнинг усталари этишиб чиқсанлиги кўпчиликка аён.

Марҳамат РАИМОВА — С. Раҳимов  
туманиндағи 249-мактабнинг бошлангич  
синф ўқитувчиси:

— Чапақайлар хисусидаги менинг фикрим бўлакча. Мен бу йил тажриба тарздаги I-синфга дарс беряпман. Бу синфга фақат ўқиши, ёзиши, ҳисобни биладиган болалар қабул килиниб, алифбесиз ўқиши

бошладик. Ўқувчиларимдан бирни чапақай экан. Дастрлаб, қаламни қайси қўлда ушлаш кераклигини билмайди чори, деган ўйга бориб, бир неча бор танбех бердим, онаси билан сұхбатлашдим. Маълум бўлишича, жуда ёшлиқданок юмушларни ўнг

қўлида бажаришга ўргатишга уринишлари зое кетган экан. Ҳозирда шу ўқувчим аълочилар қаторида. Бола ривожланишига чапақайликнинг салбий таъсири йўқ экан, ҳеч қандай уринишларнинг ҳам ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

### МУҲАРРИЯТДАН:

Турли фикрлар, қарама-қарши мулоҳазалар. Лекин хулосалар бир хил — чапақайлик нуқсон эмас. Уларнинг бошқа болалардан ҳечам фарқи, камчиллик томонлари ўйк. Ким нима деса десину, аммо биз "ЧАПАҚАЙЛАР" КОНКУРСИНИ йўқазишига карор қилдик. Қандай конкурс экан, дея ажабланманг. Бу жуда ажойиб конкурс! Унда одатдагидек ҳамма болалар эмас, фақат чапақай болалар иштирок этишилар мумкин. Маълумки, орангизда бундай болалар талайгина. Конкурс бўлгандан кейин унинг шартлари, талаблари ва албатта голиблари ҳам бўлади:

1. Конкурсда иштирок этишини хоҳлаган ҳар бир бола "Тонг юлдузи"га 1993 йил учун обуна бўлиши шарт (Бунинг учун 1 очко қўшилади).

2. Чап қўл билан чиройли хусният ёзиш, расм чизиш, тикиш-бичиш, нақш чизиш, ўймакорлик ва ҳоказо, нимаки иш бажара олсангиз, муҳарририятимизга улардан намуналар юборинг. (Чап қўлда бажарган ҳар бир ишингизга 1 очкодан қўшилади).

3. Конкурсга тавсия этилган ишларнинг ҳакиқатан ҳам чап қўлда бажарилганлигини тасдиқловчи мактаб маъмурологиянинг тасдиқномаси бўлиши шарт.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: Конкурсга тавсия этилган ишлар бир ой муддат ичидан, яни 5 ОКТАБРДАН 5 НОЯБРГАЧА қабул қилинади. Юқорида айтиб ўтилгандек, конкурс голиблари мукофотланадилар:

I ўрин — болалар велосипеди.

II ўрин — «Смена» фотоаппарати

III ўрин — осма соат.

Голиблар суратлари билан газетада эълон қилинади.

Шундай қилиб, конкурсимиз бошланди. Унда иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритишга шошилинг, азиз ЧАПАҚАЙЛАР!

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, 700083.

Ленинград кўчаси, 32-й.

"ЧАПАҚАЙЛАР" конкурсига.  
Мактубларнингизда ўзингиз ҳақингизда тўлиқ матъумот ҳамда суратнингизни юборишни унутманг.

## ЖАҲОН КИНО ЎЛДУЗЛАРИ

Бир неча ойлардан бери  
Марианна "мехмон" бўлмаган,  
иликлик, хушнудлик, айни пайтда  
ҳаммамиз учун жуда

кайтгунча уйларни саранжомларди. Кечалари эса балл рақсларини қизиқиб ўргана бошлади. Елиб-югуриб топганини

кунларга этишгунча анча-мунча машақатли, азобли кунлар ўтди. Дастрлаб, "Бойлар ҳам йиглайди" телэпопеясидаги бош қаҳрамон ролини ижро этишига бироз иккапланган Верониканинг айнан шу роли киноюлдуз даражасига кўтарди. Уни Лотин Америкаси, Оврупо, Хитой, Италия, Испания

унинг ижросидаги қўшиқлардан 12 дона пластинка ёзиб олинган. Яқинда чиқарилган йирик пластинкаси сотувда энг юкори ўринни эгаллаб, "Олтин диск" деб тан олиниши қўшиқчиликдаги яна бир катта ютуги бўлди. Лекин бу ютуклар, муваффакиятлар, олқишилар Вероника кўзларини

энг яқин маслаҳаттагүй, таянчи — онасининг олдида бир умр бурчли эканлигини хис қиласди.

Куни -кеча ўз ташрифи билан миллионлаб россиялик мухлислари дилини хушнуд этган Вероникадан сўрадилар:

— Кўнгилсизликлар рўй берганда, юпанчни нимадан қидирасиз, Худоданми, ишингизданми еки дўстларнингизданми?

— Фарзандларимдан! — ҳеч ўйланмай жавоб қилди Вероника. Келгусидаги режалари ҳақида тўхталиб, айни кунларда "Ёввойи атиргул" деб номланган янги кўп кисмли телесарира (бу фильмда Бето Марианнининг турмуш ўртоги ролida қатнашар экан) суратга тушаётганлиги ва бу фильмнинг "Бойлар ҳам йиглайди" телэпопеясидек томошабинлар томонидан иликлик билан кутиб олинишига умид килаётганлигини билдири.

Киноюлдуз бўлатуриб, кўклардан викор билан боқмайдиган, содда, самимий, хушчакча Вероника Кастро жўнаб кетди. Лекин Марианна ва унинг ҳаёти бизнинг экранларимизда давом этпти. Биз хайрлашмаймиз, "куришгунча" деймиз. Ҳар биримиз учун ардокли бўлиб колган Вероника билан яқинда бўлиб ўтадиган Халқаро XI

## КАСТРО:



ферзандларининг ўқиб- ўрганишлари, саводли бўлишилари учун сарфлайдиган муштипар онанинг бутун умиди тўнгичи — ўн тўрт ёшиданок ёш актёrlар мактабига қатнай бошлаган Вероникадан эди. Ўзи этишолмаган, саробга айланган орзу-умидларига фарзандларни этишишини жуда-жуда истарди. Онанинг оппоқ, бегубор орзулари жиккаккина, тиришкоқ максад ўйлида қатъиятли, айни пайтда ўта жозибадор Верониканинг интилишилари, тинимсиз изланишилари билан ҳамоҳанг бўлиб кетди.

...Орзулар ушади. Лекин бу

каби кўпгина мамлакатлар халқларининг севимли актисасига айлантириди.

Одатдагидек, барча киноюлдузлар сингари Верониканинг ҳам бўш вактлари, зериккан онлари бўлмас экан. Актёrlик ва хонандалик қобилияти билан миллионлаб мухлислар ортирган Вероника Мексикадаги энг оммавий "La Movid" телекўрсатувининг муаллифи саналади. Хозиргача

қамаштиргани ўйк. Кувончи-ю, шодигини ўз яқинлари-онаси, фарзандлари билан бўлишиади. Онасининг изидан бориб, 18 ёшидаёт Мехикода таникли эстрада қўшиқчиси бўлиб танилишига улгурган катта ўғли Кристиннинг муваффакиятларидан гурурланади. Кенжатои II ёшли ёқимтой ва оққўнгил Мишель унинг ҳаёт кувончига айланган. Эришган бу улкан ютуклари учун

Тошкент кинофестивалида дийдор кўришишга умид киласди!

**Феруза ЖАЛИЛОВА.**  
**СУРАТДА:** Вероника Кастро ҳаётининг энг кувончли онлари. Чунки у фарзандлари Кристин ҳамда Мишеллар билан бирга.

**Р. АЛЬБЕКОВ**  
фоторепродукцияси.

## ЮПАНЧНИ БОЛАЛАРИМДАН ҚИДИРАМАН

# ФАРЗАНДЛАРИМ МЕНДАН ҚҰРҚИШСИН

Нұсрат ақа ота-онасідан болалигідаң етім қолдан. Ойлада тұнгич фарзанд бұлғанидан, рұзгорнинг бутун оғирилиги уннің зимасига түшді. Күндүзи ишлаб, кечаси билім олди. Не-не машаққаттар билан оёққа турды...

Орадан йиллар үтди. Нұсрат ақа оиласы, бола-чакалы бұлды. Яхшигина лавозимга эриши. Қийинчиликтер ортада қолғандек жәді.

Одатда ота-она мөхрига зор бўлиб улгайлан инсонлар ўз фарзандларини ҳам бу баҳтдан бенасиб қымаслика, жигарғышалариниң ҳам ўзлары сингари қўнгли ўксик бўлиб қымасликлари учун борликларини уларга багишлашга интиладилар...

Лекин Нұсрат ақаны фарзандлари кеч кириб, ишдан қайтишини одатдагидек интилик билан эмас, кандайдир кўркув, ҳадик билан кутишади. Ечиниб ҳам ултурмаган отанинг фарзандларини бир-бир чакириб бирор юмушни бажармаганликда айблаб, тергашларидан, жазолашларидан юракларини олдириб қўйишиган улар. Нұсрат ақаннинг уйда бўлмаган кунлари эса болалар учун ҳақиқий байрам.

Нұсрат ақаннинг ўз тарбия усууллари бор. "Оғир кунларни бошимдан кечириб, йиқилиб, ўзимни ўзим суюб одам бўлдим. Болаларни ҳам талтайтириш үстираман. Улар мени ҳурмат

килибина қолмай, мендан қўрқишишин, шундагина одам бўлишиши" дейди. Амалда ҳам шундай: бўйлари чўзилиб қолган ўғилларини арзиган-арзимаганга койиши, жазолайди. Ҳатто уйдан ҳайдаб солади. Кўчада қолган Фурқат ва Журъат қайга боришини билмай сандрақлашади.

Тузукроқ ейиш, кийиш ҳам керак. Шу тарика ақа-үкага ярим тунда қишлоқ дўконига ўғирлика кириш фикри маъқул бўлди...

Сокин тун. Минг бир ҳадик, ҳаяжон билан йўлга тушган Фурқатнинг хаёлини укасининг

шивирлаган товуши бузиб юборди:

— Ака, қўшниларимиз — Илҳом, Дониларга мазза-а? Ҳозир иссиққина ўринларида, мириқиб ухлашаётгандир...

— Ҳм, — дейя маъқуллаб қўя қолди Фурқат томогига тикилиб қелган аччиқ аламини ичига ютиб. Чунки худди шу армон айни пайтда уннің ҳам хаёлидан кечеётганди.

Бемаҳалда саёқ юрган болаларнинг ниятларидан шубҳаланган дўкон коровули Комил ота иккисини олдига солганча ота-онаси ҳузурига бошлаб келиб: "Болаларни

кўчага ҳайдаб қўйиш эмас, уларни тарбиялаш керак" деди. Бу гаплардан Нұсрат аканинг кўзларига қон тўлғандек бўлди, гўё. Комил отани кузаттагач, у киши айтгандек, фарзанд "тарбияси" билан шугулланди.

Ярим тунда онаизорнинг "Воидод, мусулмонлар, ёрдам беринглар!" Болаларимни ўлдириб қўяди!" дейя чеккан фарёди қишлоқ тинчини бузди. Нима гапларини англаб-англамай ёрдамга ошиқсан кўни-қўшилар камар зарбидан елка ва орқалари моматалоқ бўлиб кетган, ерда инграб, чўзилиб ётган болаларни ота қўлидан базур кутқариб олишиди.

Ҳар замонда бўлиб турадиган бундай можаролар, бора-бора оиласынг "кундалик машгулотига" айланиб қолди. Нұсрат ақага насиҳат қилиш, кимоятишни тақдир тақосига ташлаб, кўчага ҳайдаб солган "мехрибон" отанинг ўзи бошламадимикан уларни бу йўлга!...

бала тарбиясида калтак билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини тушунтириш мақсадида уни ўртага олган қишлоқ оқсоқоллари, маҳалладошларнинг эшитадиган гаплари битта бўлди — "бундай ўғри болаларни ўстиргандан кўра, ўзим ўлдириб қўяқоламан".

Кейинги пайтларда фарзандларимиз орасида кўплаб содир килинаётган жиноятчилик, ўғирлик, майда безорилларнинг сабабини ҳар ким ўзича кидиради. Кексаларимиз ёшларнинг ножӯя хатти-харакатларини бир нарсага — тўклика йўйишиди: "Қийинчилик кўрмай ўсишганди, тўклика шўхлик қилишаги", дейя баҳо беришади. Лекин бу баҳони Нұсрат ақанинг фарзандларига нисбат қилмоқ, нечоғлик тўғри бўларкин?! Уларни бундай номаъқулчиликка қўл уришга, жиноят қўчасига киришга ким, нима мажбур қилди? Айнан ўша, тўкликинг акси эмасмикан!?

Айни мактабда ўқиб, билим олиб, келажак ҳаётларига мустахкам пойдевор ҳозирлашлари зарур бўлган бир пайтда фарзандларини тақдир тақосига ташлаб, кўчага ҳайдаб солган "мехрибон" отанинг ўзи бошламадимикан уларни бу йўлга!...

Хулоса ўринағи сўзни, сиз айтинг, азиз муштарий. Шояд, сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз Нұсрат ақа сингари инсонларга сабоқ бўлолса. Токи улар жар ёқасига бориб қолган фарзандларини ўз қўллари билан итариб юбормасинлар.

Мактубларингизни кутамиз.  
Феруза ЖАЛИЛОВА



ОҒАЙНИЛАР.

Х. ЖАББОРОВ тушурган сурат.



## "ТОНГ ЮЛДУЗИ" — бу сизнинг газетангиз:

У сизга ўқиши ва ишларингизда зарур бўлган барча ахборот ва янгиликларни етказиб беради.

Мақола, шеър ва ҳикояларингизни чоп этади.

Доимо дўст, маслаҳатчи ва ҳимоячи бўлади.

Унга обуна бўлсангиз, ютқазмайсиз.

## «ТОНГ ЮЛДУЗИ» ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

### ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 96 сўм  
Олти ойга — 48 сўм  
Уч ойга — 24 сўм  
Бир ойга — 8 сўм

Нашр кўрсаткичимиз:  
**64563**

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**  
АГАР сиз бошқа бир газета ва ойномаларда ўқимаган нарсалар ҳақида — сирли тушлар кўриб, уларнинг рос тдан ҳам содир бўлаётганини гувоҳи бўлган наманганлик Сироғиддиннинг туркум мақолалари, ўғри ва киссавур болалар билан ертўлада бир ой бирга яшаган Нодирнинг ўз кечинжалари, томорқани чопиб чиқшида келишолмай қолиб, үкасини нобуд қилгани Зоки р, дунёга келиб улгурмай етим қолаётган болаларнинг кейинги ҳаётлари ҳақида ўқишини истасангиз кечикмай "Тонг юлдузи"га 1993 йил учун обуна бўлинг.

Ф. СП-1



Узбекистон Алоқа вазирилари «Матбуот үюшмаси»

**«ТОНГ ЮЛДУЗИ»** 64563

(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

### Рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (мажноз)

Кимга

(насаби: исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

### Рўзномани ЕТКАЗИШ ВАРАҶАСИ

64563

П.В. Жойни

(нашр кўрсаткичи)

"ТОНГ ЮЛДУЗИ"

(нашр номи)

обуна	бадоси	сўм	обуна
янги	ман-	сўм	сони
зилга	жорниш	бадоси	сўм

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (мажноз)

Кимга

(насаби: исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)





Ахмад ОЧИЛОВ

**ЧҮПОН БОЛА**

Үтөв узра күкка ўралыб,  
Инар зулмат тушига тутун.  
Само қизи ой ҳам мұралаб  
Кулиб бокар — ёришади тун.  
Гулхан ёнар күйлаб, тұлғониб,  
Яйлов тұлыб рақс түшиб ётар.  
Чүпон бола тоглардай ёниб  
Күзларда масъум тонг отар.

**ОРЗУ**

Юртимда күп бугдойзор,  
Шамолла шовуллады.  
Комбайнчи дадамнинг  
Юзлари ловуллады.  
Онам тандир қизидар,  
Ёрдам учун шошаман.  
Катта бўлсан онамдек,  
Мен ҳам кулча ёпаман.

**ДУРАДГОР**

Аскаржон қўлда теша,  
Мехнат қавартирган қўлин.  
Рухи тетик ҳамиши  
Каршилар иқбол йўлин.  
Тайёр бўлди, эшик, ром,



Мели БОБОҚУЛОВ

**ДАЗМОЛ**

Биласанми,  
Дўстим Холмон.  
Кўк чироқли,  
Зўр Дазмолман.  
Разеткага  
тиқ қуракчам.  
Ёнар бирдан  
Кўк чироқчам.  
Олиб бўлгач,  
Керакли нур.

Үчар шу он  
Чироқчам, кўр!  
Сўнг дазмолла  
Кийимингни.  
Яраклатгум...  
Костюм — шимни...

**КЎКСИМДАДИР  
КЎЛЛАРИМ**

Дастлаб мактаб партасида,  
Тутдим қалам эсимда.  
Эсимдадир нур аксида  
Қалқди олам кўзимда.  
Борлигимни этди сехр,  
Доно муаллим сўзи.  
Онам каби кўйиб меҳр,  
Кулиб турарди кўзи.  
Шўхликларим жиловланиб,  
Тўлди кўзим зиёга.  
Мургак қалбим оловланиб,  
Магрур бокдим дунёга.  
Эсимдадир фан сирларин,  
Юракка жо этган дам.  
Дилда лим-лим орзуларим,  
Хаётта қўйдим қадам.  
Нур сочишда тенгсиз офтоб,  
Рахмат доно муаллим.  
Рахмат сенга, азиз мактаб,  
Кўксимдадир кўлларим.

**ТОФ  
МАНЗАРАСИ**

Тог узра оқади бир наво,  
Бу — сарви булбулнинг  
нолиши.  
Унга жўр бўлади  
сойлиқда,  
Қиқирлаб булоқнинг  
хониши.  
Майсалар шивирлар

ёмгирида,  
Ховучин тўлдирап гул коса.  
Бошини кўтариб хув қирда,  
Ўйинга тушади гул-ракқоса.  
Кимхобдек ям-яшил бедазор,  
Қаршилар оппоқ тонг шамолин.  
Шабнамлар титрайди беозор,  
Майсалар бошида рўмоли.  
Жимгина тикилиб булоққа,  
Табиат шахнозин тинглайман.  
Хисларим сочилиб ўтлокқа,  
Булоқдек окканим билмайман.

— Аввал айтинг шошмасдан,  
Ўтни кимлар кўйиби?  
У ерда сув бормикан,  
Канча ери куйиби?  
— Билишимча, бу ўтни  
Қизгалдоқлар кўйиби.  
Гилам каби ловуллаб  
Анча жойи куйиби.  
— Дўстим, унда у ўтни  
Мумкин эмас ўчириш.  
Факат унинг завқини  
Керак дилга кўчириш.

**КИМ ҲАҚ?****КОРАТОЛ:**

— Бош әгиб яшашдан  
кўра дунёда.  
Тик туриб ўлмоклик  
албат зиёда.  
— Дўсттинам, лекин сен  
бу фикрдан кеч.  
Эгилган бошни бил,  
Кесмайди килич.

**САВОЛ**

— Агар малол келмаса,  
Бордир сенга саволим.  
Белинг нега ингичка,  
Жавоб бергин, чумоли?  
— Катта ишлар қилишга  
Доим ўзни чоғлайман.  
Каттиқ меҳнат қилиш-чун  
Белни маҳкам боялайман.



Нусрат АБДУСАЛОМОВ

**БАҲОР  
ФАСЛИДА**

— Алло, алло, Олми?  
Саҳар кирга ўт кетди.  
Бориб тезроқ ўчиринг,  
Бизга шу хабар етди.

**ЭЪЛОН**

Орол ва Оролбўйини Асрар кўмитаси қошидаги "Орол" ҳайрия тижорат маркази шу йилнинг 20 сентябрдан ўз фаолиятини  
ТУГАТДИ.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз: 000609382. Яккасарой тумани, АПБида код 172682304.

**50 сўмга —  
ЭНГ ЗЎР СОВГА**

Агар бор-йўти 50 сўм пул тўлаб фарзандингизга кутилмаган, ажойиб совга ҳамда бир олам кувонч бахш этишини истасангиз, "Тонг юлдузи" хизматингизга тайёр. Дилингиздаги жамики ёзгу-ниятларингизни газетамиз орқали изҳор этишингиз учун яратилган имкониятни қўлдан бой берманг.

Сурати билан табрик ёзълон қилдириш учун 50 сўм, суратсиз 45 сўм микдоридаги пулни "Тонг юлдузи"нинг куйидаги ҳисоб рақамига ўтказиб, квитантациясини бизга юборсангиз кифоя:

Ўзбекистон саноат-курилиш Банкининг Тошкент шаҳар бўлими. Ҳисоб рақами: 000363106, код: 172682328. корр. счет: 300166428.

Азиз фарзандимиз ФУЛОМЖОН!

Сени 12 ёшинг билан самимий муборакбод этамиз. Сенга мустаҳкам соглиқ, ўқишларингга ривож тилаймиз.

Даданг Ярашбек, онанг Моҳирахон, укаларинг Илхомжон ва ЭлёржонFaффоровлар.

Тошкент шаҳри,  
А. Ниёзов кўчаси, 19-й.

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

Газетамизнинг навбатдаги сони 20 октябрь куни чиқади.

**АЗИЗ ОБУНАЧИ ҮРТОҚЛАР!**

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда ха-  
госиз, сўзларни қисқартирасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг ис-  
мини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувлари катакларни алоқа  
Сўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентларини ходимлари тўлға-  
зади.

Бош мұхаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ, М. ПИРМАТОВ  
(мастуљ котиб), М. РАҲИМБЕРДИЕВА,  
Д. ТУРАХМЕТОВА, В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Таъсис этувчи:  
ЕШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ ҚУМІТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:  
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,  
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Газета хафтанинг жума кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-  
матбаачилик концернининг босмахонаси.  
Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-УЙ  
Чоп этиш вақти — 18.00.  
Буюртма № Г-27. Нашр кўреатинчи 645G3.

